



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшларга оид  
давлат сиёсати —  
амалда



## ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Шаҳримиздаги Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда, «Камолот» ЁИХ шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ва пойтахт Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танлов ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишлари, билим ва тажрибаларини ошириш, қобилиятларини намоён этишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган танлов пойтахтимизда турли соҳалар бўйича икки босқичли тизим асосида ўтказилди.

— Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор туфайли республикамизда иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришга қаратилган турли хил танловлар ўтказиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касба уюшма Республика Кенгаши масъул ташкилотчиси Шокир Исроиллов. — Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ёшларимиз орасида жуда қўллаб-қўллагичи йигит-қизлар ўз соҳаларида ютуқларга эришиб келмоқда. Мана шундай ёшларнинг юрт келажагига муносиб хиссасини қўшаётганига ғояларини юзага чиқариб, уларни рағбатлантириш муҳимдир. Бундай танловларни анъанавий тарзда ўтказиш эртага республикада олимлар ва бошқа

қўллаб соҳаларнинг етук мутахассислари етишиб чиқишига хизмат қилади, деган умиддамиз.

Кўрик-танловда турли соҳаларда фаолият юритаётган, иллануван, иқтидорли ёшлар «Энг фаол ёш ўқитувчи», «Энг фаол ёш тарбиячи», «Энг фаол ёш тадбиркор», «Энг фаол ёш хўнараманд», «Энг фаол ёш олим», «Энг фаол ёш қурувчи» каби бир қатор номинациялар бўйича ўз билим ва маҳоратларини намоён этишди.

— Бугунги кунда юртимизда биз ёшларга қўллаб-қувватлаш яратилган, — дейди 12-трест ОАЖ муҳандиси, «Энг фаол ёш қурувчи» номинацияси бўйича 1-ўрин соҳиби Азизжон Мирназаров. — 2004 йилдан бери мазкур соҳада ишлаб келмоқдам. Аҳамиятга молик давлат лойиҳаларида, қурилиш ишларида қатнашиш имконига эга бўлдим. Фаолиятим мобайнида тажрибали устозлар ўғиту кўрсатмалари билан маҳоратимни оширдим, касбий малакамни янада бойитдим. Танловда қўллаб-қувватлаш объектларга киритган янгилликларим, слайд, лойиҳаларим билан иштирок этдим. Натижада ғолиб бўлиб, Республика босқичига йўллангани қўлга киритдим.

Мазкур кўрик-танловнинг ғолиблари ва 2-3-ўрин соҳибларига Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда Кенгаши томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Тадбирда турли йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритган қатнашчиларнинг кўргазмалари ташкил этилиб, таъриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Зейда РАСУЛОВА

СУРАТДА: «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловидан лавҳа

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Хабар берилганидек, 20 июнь кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқлангандан кейин депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазир Р.Азиев мазруза қилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назорати Қонунчилик палатасининг устувор вазифалари жумласига киради, шу сабабли у депутатлар корпусининг диққат эътиборида туради.

Қонунчилик палатасининг мажлисида таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати 2013 йилда илгари Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ, даромадлар харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилди. Иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари аниқ мақсадни қўлаб ва тизимли амалга оширилиши натижасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, ўтган йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсиши, макроиқтисодий мувозанатлиликни сақлаш, модернизация ва диверсификация қилиш таъминланди. Мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 6,8 фоиз, чакана товар айланиши 14,8 фоиз ўсди.

2011-2015 йилларда саноатнинг устувор соҳаларини ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг илғимли амалга оширилиши натижасида саноат таркибиде юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош маҳсулотлар тайёрланаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу тармоқлар мамлакатимиз саноат маҳсулотининг 78 фоиздан ортигини ишлаб чиқармоқда.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бундан 60 фоиздан ортиги қишлоқ жойларида ишга жойлаштирилди. Шу жумладан, кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тад-

биркорликни ривожлантириш ҳисобига 480 мингдан ортиқ, касана-чиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Ўтган йили ҳукумат ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттадил ошириб бориш масалаларига катта эътибор қаратди. 2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоиз ошди, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоиз кўпайди. 2013 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 58,7 фоизини ташкил этди. Таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, спорт, оммавий ахборот воситаларини сақлаб туриш ва ривожлантириш учун талай маблағлар йўналтирилди.

Даромадлар ва жамғармаларнинг ўсиши аҳолининг ҳарид қилиш имкониятлари ошиб боришини таъминлади. 2000-2013 йилларда аҳолининг истеъмол харажатлари 9,5 баравар ошди. Ўнг муҳим истеъмол маҳсулотлари турлари сифат жиҳатидан ўзгарди. Бунда кейинги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бори, айни вақтда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-харажатлар микдори сезиларли равишда кўпаймоқда. Масалан, мамлакатимизнинг мус-тақиллик йилларида гўшт истеъмоли — 1,4 бараварга, сут — 1,3 бараварга, сабзавот ва полиз маҳсулотлари — 2,6 бараварга, картошка — 2 бараварга, мева-мевалар истеъмоли — 6,4 бараварга ошди.

Юртимизда узок мuddатли фойдаланишга мўлжалланган озиқ-овқат товарлар билан таъминлаш борасидаги аҳоли ҳам тубдан ўзгарди. Оилаларнинг замонавий маиший-техника, шу жумладан, холо-дильник, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобиль телефонлар билан таъминланганлик даражаси ошди. Айнисига, мамла-катимизда ишлаб чиқарилган эн-гил автомобиллар билан аҳолининг таъминланиши эътиборлидир. Агар 2000 йилда ҳар 100 та оилага ўрта-ча 20 та энгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу ра-кам 41,4 тага етди.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий вилояти Кармана ту-манидаги «Ишонч» болалар ором-гоҳи қайта қурилиб, фойдала-нишга топширилди. Мавсум да-вомида вилоятдаги 12 шаҳардан ташқари ва 25 кундузги оромгоҳ-ларга 16 мингдан ортиқ бола жалб этилиши режалаштирилган.

● Наманганда «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Ви-лоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кен-гаши ва бошқа ташкилотлар ҳам-корлигида ташкил этилган тад-бирда уч минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

● Жиззахда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан «Болам бахтли бўлсин, десангиз» мавзусида ўқув-семи-нар ўтказилди.

● Андижонда «Ёш сиёсатчи — 2014» республика кўрик-танлови-нинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш институтида «Бошланғич таълимни такомил-лаштириш истиқболлари: муам-мо ва ечимлар» мавзусида рес-публика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 170 корхона ва ташкилот 400 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

## ЖАҲОНДА

● Қизамиқ вирусига қарши янги синоддан ўтказилган «ERDRP-0519» тиббий воситаси йилига ўртача 150 минг кишининг ёстигини қуритувчи қизамиқ эпи-демиясига бутунлай барҳам бе-риши мумкин. Тажриба муаллиф-лари бўлмиш Эмори ҳамда Пол-Эрик институти олимлари бу ҳақда маълумот тарқатди. Маз-кур тиббий восита қизамиқ ви-руси концентрациясини камайти-риш қувватига эга.

● Астрахан области ёш олим-лари полимер чиқиндилар чири-шини тезлатадиган препарат яратди. Яъни, тупроқ таркибидан олинган микроорганизмлар асо-сида яратилган янги восита, аникроги, бактерия мазкур поли-этилен чиқиндиларини 7 йилдаёқ чири-тиб, ўғитга айлантиради.

● Бугунги кунда урфда бўлган смартфонлар катта ёшдаги киши-лар орасида оммавийлигини йўқотиб бормоқда. Шу боис ай-рим мобиль алоқа компаниялари яна «эски мода»га қайтиш ҳара-катини бошладилар. Яъни, пла-стик тугмачали, кичик экранли қўл телефонлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

## КРЕДИТЛАР — КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкида 2013 йилдаги молиявий фаолият сарҳисоби ва 2014 йилда амалга оширилаётган устувор йўналишларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

лаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш ҳамда иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилишни кенгайтириш ишлари бажарилди.

Амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар сама-расида банкнинг халқаро миқёсда обрў-эътибори ортиб бораётди. Хусусан, молия муассасасининг 2013 йилдаги фаолияти ташқи аудиторлик компания-си томонидан ижобий баҳоланди. Жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари «Мудис» ҳамда «Фитч

Рейтингс» компанияларининг узок мuddатли барқарор истикболга эга рейтингни берилди.

Йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-ни ривожлантириш, омонатчилар, акциядорлар ҳамда банкнинг бошқа кредиторлари манфаатларини ҳимоя-лаш, аҳолига кўрсатилаётган банк хизмати турларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги ишлар қўламини кенгайтиришга доир вазифалар бел-гилаб олинди.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎзА мухбири

## ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** «Сағбон» кураш спорт маж-муасида «Маҳалламиз паҳла-

вонлари» республика турни-рининг Тошкент шаҳар бос-қичи бўлиб ўтди.

✓ **«БОЛАЖОН»** маданият ва истироҳат боғида «Сен

билан бирга — камолот сари...» ёшлар акцияси ўт-казилди.

✓ **«ТРАНСПОРТЧИ АВ-ЛОД»** номли ёзги болалар

дам олиш ва соғломлашти-риш оромгоҳида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шио-ри остида маънавий-маъри-фий ва спорт тадбири таш-кил этилди.



## Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказида «Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари» республика кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Танлов таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ҳамда илгор иш тажрибаларига эга бўлган тўғарак раҳбарларини аниқлаш, уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш ва оммалаштириш, ўқувчи-ёшларни тўғаракларга жалб қилиш ва мактабдан ташқари таълим беришда тўғарак раҳбарларининг ижодий ташаббускорлиги ва изланишларини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда «Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт маркази, Тошкент шаҳар ҳамда 11 та туман «Баркамол авлод» болалар марказларининг энг яхши деб топилган тўғарак раҳбарлари қатнашди.

— Ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга, ўқувчиларга меҳнатсеварликни сингдиришга, шунингдек, уларнинг бўш вақтдан оқилона фойдаланишига йўналтирилган мактабдан ташқари ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолият юритиб келади, — дейди Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказининг оммавий-маданий ишлар ташкилотчиси Гулбаҳор Қобилова. — 2013-2014 ўқув йили сарҳисобига кўра пойтахт «Баркамол авлод» болалар марказларида техник ижодкорлик, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича 341 та тўғарак фаолият юритиб, уларда 6449 нафар ўқувчи таълим олди. Ушбу тўғаракларда 313 нафар тўғарак раҳбари ўқувчиларга бошланғич касб, сирлари, қадимий халқ ҳунармандчилиги, санъатнинг мусика, вокаль, хореография, театр турлари, чет тиллари, техник ижодкорлик, компьютер ва дастурлаш, бошланғич техник моделлаштириш ва яна бир қатор йўналишлар бўйича таълим бериб келмоқдалар.

Иштирокчиларнинг кўргазмалари билан танишар эканмиз, ўқувчи-ёшлар ва тўғарак раҳбарлари томонидан ясалган ўзига хос ижод намуналарига гувоҳ бўлдик.

— Марказимизда ўтказилган танловда ғолиб бўлиб, шаҳар босқичига йўлланмами қўлга киритганимдан мамнунман, — дейди Бектемир туман «Баркамол авлод» болалар маркази «Ёш сайёҳ» тўғараги раҳбари Соҳиба Маматова. — Берилган шартлар бўйича имкон қадар тайёрландим. Болаларга чет тилидан

бўйича дарс бериб келмоқдаман. Болажонларнинг ўз қўли билан яратган буюмлари азиз бўлгани учун уларнинг тўғаракларга қизиқиши кучли. Тўғарак аъзоларини янада қизиқтириш мақсадида миллий ўйинчоқлари болалар билан биргаликда ясаган ҳолатда бирон-бир эртак таллаб, спектаклга тайёргарлик кўрамыз. Эртак қаҳрамонларини болажонларнинг ўзлари яратиб, спектаклда роль ижро этишади. Бундай усул тўғаракка бўлган қизиқиши, дунёқарашини оширади. Туман босқичида ўтказилган танловда ҳамкасбларим орасидан менинг ишларимни лойиқ деб топилиб, шаҳар босқичига йўлланма беришди. Мазкур танлов ҳамкасбларимиз билан ўзаро фикр алмашиш имконини беради, деб ўйлайман. Бундан ташқари бу каби танловлар болаларга янгиликлар бериш, уларни йўналишларга қизиқтира олишга, ўз устиди ишлашга ундайди.

Тўғарак раҳбарлари тўғарак фаолияти самарадорлиги; услубий педагогик салоҳияти; амалий машғулоти; тест топшириқлари; мактабдан ташқари таълим сифатини ошириш Концепцияси шартлари бўйича беллашди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра I ўрин «Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт марказининг «Ёш доирачи» тўғарак раҳбари Шерзод Шукуровга насиб этди. II ўринни Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказининг «Кўгирчоқ театри» тўғарак раҳбари Мамед Расулов эгаллади. Танловда III ўрин Чилонзор тумани «Баркамол авлод» болалар марказининг «Миллий ўйинчоқ» тўғарак раҳбари Гулнозаҳон Асрановага насиб этди. Бундан ташқари «Энг яхши гоа муаллифи», «Энг маҳоратли тўғарак раҳбари», «Энг билимдон тўғарак раҳбари» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди. Ғолиблар Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

## Танловлар

# МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

дарс ўтиш жараёнида интерфаол усуллардан, ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланаман. Мақсадим болаларни осон ва тезроқ мукамал ўрганиши баробарида, оғзаки нутқини ҳам оширишдан иборатдир. Шогирдларим турли хил тадбирларда иштирок этиб, инглиз тилида шеърлар айтиб, ўз маҳоратларини намойён қилишмоқда. Яратилган шарт-шароитлар ўз навбатида натижасини бермоқда.

— Чилонзор тумани «Баркамол авлод» болалар марказида «Либослар бўйича дизайнер», «Загарлик санъати», «Миллий ўйинчоқлар» тўғараги раҳбари сифатида фаолият юритаман, — дейди танловда 3-ўринини эгаллаган Гулнозаҳон Асранова. — Бундан ташқари 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига уч йўналиш

## «Камолот» лойиҳалари

# ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ — УМИД НИҲОЛЛАРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан «Ниҳол» мукофоти совриндорлари иштирокида жойларда «Биз, Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз!» шиори остидаги лойиҳа асосида концерт дастурлари ўтказилмоқда.

Юнус Ражабий номдаги педагогика коллежиди Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, ёшларнинг маданий ҳордик чиқаришларига қўмаклашиш, ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида лойиҳанинг навбатдаги тадбири ташкил этилди. Унда тумандаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилари, жами 250 нафар феол ва иқтидорли ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Концерт дастурида рассом, санъатшунослик фанлари номзоди, оилавий «Хавас» гуруҳи бадий раҳбари Рустамжон Эрматов мазкур гуруҳнинг шаклланиш тарихи, бугунги кунга қадар амалга оширилган ишлар, ўтказилган концерт дастурлари ҳақида маълумот бериб, тадбир меҳмонларига гуруҳ аъзоларини таништириб ўтди.

— Ушбу лойиҳани жорий йил якунига қадар туманимиздаги кўплаб таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари ҳамда маҳалла гузарларида ташкил этишни режалаштирганимиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Асосий мақсадимиз эса ёшлар ва туманимиз фуқароларининг маданий ҳордик чиқаришларига қўмаклашиш, санъат оламининг сеҳрли созини туманимиз узра тараннум этишдан иборат.

Концерт дастурида «Хавас» гуруҳи аъзолари Достонбек, Шаҳноза, Робияхон ва Қаҳрамон Ғуломжоновлар томонидан биргаликда ҳамда якка тартибда юрт тинчлигини, Ватан ободлиги ва озодлиги, она, фарзанд ва оилани мадҳ этувчи театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилди. Концерт меҳмонлари билан томошабинлар ўртасида савол-жавоблар ташкил қилинди.

Ўқувчи-ёшлар ҳамда меҳмонлар учун Шаҳноза Ғуломжонованинг миллий ва замонавий матолар асосида яратилган «Қирқ либос нафосати» номли кўргазмаси намойиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз келажаги бўлиши иқтидорли ёшлар қаторида Ғуломжоновлар оиласидан иборат «Хавас» гуруҳи ҳам ўз ижодий ишлари билан санъатимиз ривожига баҳоли қудрат хисса қўшиш йўлида изланаётганлиги қувонарлидир.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ

Ҳар йили июнь, июль, август ойлари ўсмирлар учун гоят қизғин палла ҳисобланади. Бу пайтда мактабларнинг тўққизинчи синфини тугатган ўғил-қизлар ўзлари танлаган йўналишлардаги коллеж ва лицейларга кириб, ўқишни давом эттириш тараддуида бўлишса, коллеж ҳамда лицейларни битираётган ёшларнинг ўй-хаёлини эса олий ўқув юртларига кириш ёки ўз мутахассисликлари бўйича корхона, ташкилот, муассасаларга ишга жойлашиш орзу-нияти эгаллаган бўлади.

## КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тошкент банк коллежини ҳам банк, сугурта иши, молиячи, биржа агенти, бухгалтерия мутахассисликлари бўйича хар йили 900 нафарга яқин йигит-қизлар битириб, ҳаётга йўлланма олишади. Хусусан, 2013-2014 ўқув йили якунига кўра юқорида таъкидлаб ўтилган беш йўналиш бўйича 861 нафар ёш коллежни битиришди. Иختисосликлар орасида банк иши асосий йўналиш саналиб, бу йил 521 нафар йигит-қиз мазкур мутахассислик бўйича диплом олишади.

Коллеж ва лицейларни битираётган ёшларнинг олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришлари ёки ишга жойлаштирилари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Зеро, бизнинг юртимизда ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар тўғрисида бу борада ахлит тизим вужудга келтирилган. Бошқа ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари каби коллежимизда ҳам битирувчиларимизни ишга жойлаштириш юзасидан уч томонлама шартномалар тузиш ва унинг ижросини таъминлаш изчил йўлга қўйилган. Бунда коллеж, ўқувчи, ишга қабул қилувчи ташкилот масъул ҳисобланади.

Ўқув масканимизда ёшларни ҳаётга йўлланма олишга, муваққил ишлаб кетишига тайёрлашдек муҳим вазифа тажрибали педагоглар, масъул ходимлар зиммасига юклатилган. Дадаҳон Эломов шундай масъул ўқитувчилардан бири. У биз билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади:

— Ёшларнинг коллежда олган билимларини ҳаётда татбиқ этишларида қўнқима ҳосил қилиш амалиёт ўташ даридаёқ бошланади. Йигит-қизларнинг кўпчилиги қайси ташкилотда амалиёт ўташган бўлса, ўша жойга ўрганиб, жамоага қовушиб, унинг аъзосига айланади. Шу ўринда бир неча мисоллар келтириш жоиз. 2012-2013 ўқув йилида коллежимизни битирган Феруза Мунавварова «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Олмасор филиалида, Субҳидам Юсупова Халқ банкининг Сергели филиалида, Иродахон Қўзиева эса Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасида амалиёт ўташган, уч томонлама шартномалар ҳам шу ташкилотлар билан тузилганди ва ушбу умидли ёшлар бугунги кунда шу жойларда ишлашмоқда. Бундай фойдали тажриба 2013-2014 ўқув йилида ҳам давом эттириляпти. Бу йил коллежимизни битираётган ёшларнинг аксарияти бўйича ўзлари амалиёт ўтаган ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилди. Зеро, коллеж битирувчисининг иш билан таъминланиши гоят муҳим ижтимоий аҳамиятга эга.

Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, коллежни битираётганларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришмоқда. Шундай интилувчан ва ўз устиди ишловчи ёшларга қарата «Йўлингиз оидин бўйсин!» дегимиз келади.

Нилуфар ХАМИДОВА,  
Тошкент банк коллежи ўқитувчиси

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Аҳолини банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг афзалликлари билан яқиндан таништириш мақсадида, ҳафтанинг хар дшанба кунини «Очик эшиklar» кунини деб эълон қилади. Мижозлар «Очик эшиklar» кунини Халқ банки филиалларида банк фаолияти, унда татбиқ этилган хизмат турлари ҳамда уларнинг афзалликлари билан яқиндан танишинлари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари ҳамда ўз таклиф ва мулоҳазаларини қолдиришлари мумкин.

Халқ банки Тошкент шаҳар филиали ва туман филиаллари манзили:

|                          |                                                                                        |
|--------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Тошкент шаҳар филиали | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 6-уй, тел. 245-35-44, 245-35-51 |
| 2. Амалиёт бўлими        | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-14,19-уй, тел. 244-41-24                     |
| 3. Миробод филиали       | Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 2/3 уй, тел. 252-55-17                    |
| 4. Мирзо Улуғбек филиали | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Х.Олимжон майдони, 13 А-уй, тел. 237-12-02        |
| 5. Юнусобод филиали      | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-6, Ш.Рашидов кўчаси, 90-уй, тел.237-61-10       |
| 6. Яккасарой филиали     | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ракат кўчаси, 2 А-уй, тел.254-92-44                   |
| 7. Чилонзор филиали      | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лабиҳовуз кўчаси, 1Б-уй, тел. 253-87-06                |
| 8. Сергели филиали       | Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 4-даха, 31 А-уй, тел. 258-15-98                         |
| 9. Ҳамза филиали         | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Бешарик кўчаси, 116-уй, тел. 297-66-69                    |
| 10. Олмазор филиали      | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамин ¼ дахаси, 26-уй, тел. 142-01-50               |
| 11. Учтепа филиали       | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 25 дахаси, 41-уй, тел. 272-53-87                |
| 12. Бектемир филиали     | Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 43-уй, тел. 295-03-08           |

Хизматларни шундан таниш

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат-тижорат  
Халқ банки  
Тошкент шаҳар  
филиали

## Тошкент шаҳар ҳокимлиги

## Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси

Куйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимига  
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Таълим муассасаси номи                                                 | Манзили                               |
|---|------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------|
| 1 | Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицей | Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй |
| 1 | Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицей | Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй |

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари-га малака талаблари: академик лицей, касб-хунар коллежнинг таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно), таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси — катта ўқитувчидан кам эмас.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарига малака талаблари: ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан кам эмас.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажини талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади.

- 1.Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
- 2.Сўровнома (справка-объективка);
- 3.Таржимаи ҳол;
- 4.Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
- 5.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
- 6.Паспорт (нусхаси);
- 7.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларининг нусхалари;
- 8.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.
- Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел.: 252-23-35.

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари хар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



**Жамиятимиз истиқболи, миллатимиз иқболи, бахту саодатини ўйлар эканмиз, аввало ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий тарбияси, уларни жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишларига муҳим эътибор қаратиш жонзидир.**

Шу боисдан бугунги кунда маҳаллаларда оммавий спортни янада ривожлантириш борасида «Отам, онам ва мен — спортчи оила» каби мусобақаларнинг ташкил этилиши катта самара бермоқда. Шунингдек, маҳалла болалари ва ўсмирлари ўртасида ўтказилаётган анъанавий «Футболимиз келажаги» мусобақалари ҳам йилдан йилга оммалашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 февралдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги мажлиси баёни билан тасдиқланган дастур ижросини таъминлаш юзасидан «2013-2014 йилларда анъанавий «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақаларини ўтказиш тўғрисида» қўшма қарор тасдиқланган бўлиб, жойларда

кубок мусобақаларининг дастлабки босқичлари бошланиб кетди.

Жумладан, Яккасарой туманидаги маҳаллаларда ҳам 9-10, 11-12, 13-14 ёшдаги болалар ва ўсмирлар ўртасида турнирнинг маҳаллалараро

богининг 9-10 ва 13-14 ёшдаги болалар ва ўсмирлар ўртасида яқунловчи туман босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.

Тенгдошларининг қизғин кўлаб-қувватлашлари остида энг кичик ёш тоифасидаги болалар жамоалари ўртасидаги финал беллашувида Муқимий ва «Яккасарой-2» маҳаллалари ёш футболчилари ўзаро куч синашди ва ғалаба Муқимий МФЙ жамоасига насиб этди. Бунда 3-ўринни «Қушбеги» маҳалласи ёшлари кўлга қиритишди.

13-14 ёшдаги ўсмирлар мусобақасида барча рақиблари устидан ғалаба қозонган «Қушбеги» маҳалласи болалари зафар кучишди. Кейинги совринли ўринларни А.Авлоний ҳамда «Ўрикзор» маҳаллалари командалари эгаллади. Туман босқичининг ғолиб ва совриндорларига Кубок ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Муқимий ва «Қушбеги» маҳаллалари ёш футболчилари мусобақанинг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга қиритишди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**  
**СУРАТЛАРДА: «Футболимиз келажаги» мусобақаси Яккасарой туман босқичидан лавҳалар**

## Футболимиз келажаги

# КУЧЛИЛАР ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

**Пойтахтимизда гематологлар иштирокида микронутриентлар танқислиги ҳамда камқонлик хасталикларини даволашнинг самарали усуллари бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

## Тиббиёт

# ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИШДИ

Унда қатнашган соҳа мутахассислари камқонлик хасталигининг пайдо бўлишига микронутриентлар, яъни зарур витаминлар етишмаслиги сабаб эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишди.

Қатнашчиларнинг фикрига кўра, инсонларнинг камқонлик хасталикларида чалинмасликлари аввало ўзларига боғлиқ. Яъни тўғри овқатланиш, махсулотлар таркибида турли хил витаминлар, оксил, углеводлар, тузлар, ёғларнинг меъёрида бўлишини таъминлаш низолатда муҳим. Шунингдек, қатнашчилар камқонлик хасталигини даволашнинг самарали усуллари ҳақида ҳам ўзаро фикр алмашишди.

(Ўз мухбиримиз)

## «101»

# ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ

**Сўнгги йилларда пойтахтимизнинг халқ хўжалиги тармоқларини иқтисодий ривожлантириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, янгидан янги савдо-саноат тармоқлари, маъмурий-маданий, турар жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди.**

Ички бозор шаклланиб, миллий бойлик кўпайди. Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида моддий неъмат яратиш, маданий турмуш даражасининг ўсишига эътибор кучайтирилди.

Яратилган моддий-маънавий бойликларни асраш, уларни ёнғин офатларидан ҳимоялаш ҳам шу куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан биридир.

Шубҳасиз, ёнғин хавфсизлигининг олдини олишда кенг омма иштирокининг фаоллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўналишида олиб бориладиган барча амалий ҳаракатлар юқори самара беради. Шунингдек, мулкчилик

шаклидан қатъи назар, барча ташкилотлар жамоаларида бўлгани каби айниқса, маҳаллалар фуқаролик йиғинлари билан мустақам ҳамкорликни кучайтириш асосий вазифаларимиздан биридир.

Мана шундай ҳамкорликлар йўлга қўйилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, барчамиз оловдан тўғри ва ҳушёрлик билан фойдаланиш орқали «тилсиз ёв» хуружининг олдини олган бўлаемиз.

**Азизжон РИХСИЕВ,**  
**Сергели туманини ёнғиндан муҳофаза қилувчи 5-ХЕҲО 9-ХЕҲҚ смена бошлиғи, капитан**

# МУҲОФАЗА ТАДБИРЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

**Ёзги мавсум бошланиши биланоқ аксарият фуқаролар, айниқса болалар ва ўсмир ёшдаги йиғитлар чўмилиш мақсадида пойтахтимиз ҳудудидаги очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, дарё, канал ва анҳорларга йўл оладилар.**

«Хавф рўй бермай туриб, унинг олдини олган афзал» деганларидек, бирор кўнгилсиз ҳодиса содир бўлмасдан олдин хавфсизлик чора-тадбирларини кўриш шу куннинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йил 8 майда эълон қилинган «Тошкент шаҳридаги маданият ва истироҳат боғларининг чўмилиш хавзаларида хавфсизликни таъминлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «1050 – Қутқарув хизмати» бошқармаси ходимлари томонидан қатор профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёз мавсумида пойтахтдаги маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида жойлашган чўмилиш хавзаларида хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг сувда чўкиш ҳолатларининг олдини олиш ва бу борада аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш бошлаб юборилди.

Мазкур қарорда чўмилиш мавсуми бошлангунча қадар мутахассис ташкилот ва хизмат ходимларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилиб, сув ҳавзаларининг ҳозирги замон талабларига жавоб бериши юзасидан ўрганишлар ўтказиш ва белгиланган тартибда далолатномалар расмийлаштириш, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфидagi чўмилиш хавзалари мавжуд бўлган Ўзбекистон Миллий боғи, Фафур Фулом, Мирзо Улуғбек, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғлари билан Ўзбекистон сувдан кут-

қариш жамияти ўртасида шартнома тузиш, унда ғаввос-қутқарувчилар навбатчилигини ташкил этиш, уларга зарур шароитлар яратиш ва керакли қайиқлар ажратиш кўрсатилган.

Шунингдек, мавсум давомида сув ҳавзаларининг санитар-эпидемиологик ҳолати бўйича зарурий чоралар кўриш, чўмилиш таққиланган ҳудудларни белгиланган тартибда тўсиқлар билан ўраш ва огоҳлантирувчи ёзув-белгилар ўрнатиш зарур. Етарли миқдорда қутқарув асбоб-ускуналари ажратиш, тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини ташкил этиш, уларни дори воситалари билан таъминлаш ва бошқа профилактик тадбирларни амалга ошириш, чўмилиш масканининг иш вақти мобайнида қирғоқларда доимий навбатчиликни ташкил этиш, сувда тўғри ва хавфсиз ҳаракат қилиш мавзусида тушунтириш ишларини олиб бориш алоҳида белгиланиб қўйилган.

Бундан кўзланган асосий мақсад анҳорларда чўмилиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантиришдан иборат.

Айни кунларда «1050 – Қутқарув хизмати» бошқармаси ходимлари юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни тўлақонли бажариш юзасидан пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларининг чўмилиш хавзаларида хавфсизликни таъминлаш бўйича босқичма-босқич муҳофаза тадбирларини олиб боришмоқда.

**Азамат СУЮНОВ,**  
**журналист**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Адалия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимлари**

**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Тошкент шаҳрида**  
Сергели туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адалия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимлари**

**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Тошкент шаҳрида**

Олмазор туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Юнусобод туман 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза.
2. Паспорт нусхаси.
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа.
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси.
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма).
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йиғирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камидан уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2014 йил 9 июль)

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.  
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этилади!**

Савдога «СНЕГАРЛОУИНА»ММЖнинг 19.06.2014 йилдаги 01/385-сонли буюртма хатига асосан, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 40-уй манзилида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «ГАЗ-3102» русумли, д/р 01/652LBA бўлган, 2000 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 990 000 сўм.
2. «Шевроле Нива 21230L» русумли, д/р 01/653LBA бўлган, 2005 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 168 000 сўм.
3. «Нексия Донс» русумли, д/р 01/651LBA бўлган, 2003 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 811 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2014 йил 23 июль кuni соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 21 июль кuni соат 18:00.

Автотранспорт воситаларининг 23 июлдаги савдоси бўлиб ўтмаганда, такрорий савдолар 2014 йил 30 июль, 7 ва 15 август кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 30 июлдаги савдолар учун 28 июль кuni соат 18:00; 7 августдаги савдолар учун 5 август кuni соат 18:00; 15 августдаги савдолар учун 13 август кuni соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал қилишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «РММ» ЁАЖнинг ОАКБ «Ипак йўли банки» Савбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлаш шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел.: 228-79-52. Гувоҳнома №006231

Чилонзор туман ХТМФМТТЭБ умумтаълим мактаблари ошхоналарида фаолият кўрсатиш учун

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Манзил: Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, Қатортол кўчаси, 2/1-уй. Тел. 277-23-75, 277-16-97.

Хамза туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2014 йил 20 майда №005095-07 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, Хамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 95-А уй, 6-46 манзилида жойлашган

**«АБДУЛАЗИЗ – АБДУЛҲАЛИЛ»** масъулияти чекланган жамияти (ИИН-302954963) тугатилди.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан икки ой давомида қабул қилинади.  
Тел: 693-92-51.

**Ўзгидромет**  
**ХАБАР ҚИЛАДИ**

36-38 даража иссиқ бўлади.  
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 24 июль кuni ҳаво ўзга-ўзгарчилик, ёнғинчилик ҳаво муҳитида зарарли бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — бўлади.

**Тошкент оқшони**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95,  
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзили:  
gazeta-vto@mail.uz  
Буюртма Г- 656

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
11961 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул  
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Еуюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акматали АҚМОНОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.40